

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

5141500 - Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари таълим йўналиши

**ЮРИДИК КОНФЛИКТ СОЦИАЛ КОНФЛИКТНИНГ БИР ТУРИ
СИФАТИДА, УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

мавзусида бажарилган

РЕФЕРАТ

**Бажарувчи: Тўрабеков Б
Қабул қилди: Маматқулов С**

ЖИЗЗАХ - 2012

ЮРИДИК КОНФЛИКТ СОЦИАЛ КОНФЛИКТНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА, УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

- 1. Конфликт социологиясида социал низолар моҳияти.**
- 2. Социал конфликтларнинг келиб чиқиш сабаблари.**
- 3. Ҳуқуқий конфликт ва уни бартараф этиш йўллари.**

Конфликт социологиясида социал низолар моҳияти.

Асримизнинг 50 йиллари охирида Ғарб социологиясида «конфликт социология»си узининг машҳурлиги билан кузга ташлана борди. Бу социология жамиятдаги содир буладиган низоларни (конфликт) ижтимоий муносабатларнинг ҳаракатга келтирувчиси деб қарайди. Ҳозирги кунда конфликтологиянинг намоёндаларидан бири америкалик социолог Л.Козердир. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай гуруҳларда низоларнинг мавжуд бўлиб туриши шу гуруҳларнинг усишига олиб келади. Машҳур немис социологи, иқтисодчиси Р. Дерендорфнинг таъкидлашича, интеграция ва иизолар ҳар қандай жамият томонидан тенг асосланган йуналишдир. Купчилик Ғарб социологлари иизолар жамиятнинг ижтимоий тузилишида мавжуд деган фикрга қушилишади. «Конфликт социология»си намоёндалари фикрича, жамиятда келиб чиқадиган низоларнинг асосини жамият манфаатлари билан шахсий манфаатларнинг бир-бирига мос келмаслиги ташкил қилади.

Дарендорф фикрича конфликтларнинг мавжудлиги қуйидаги ҳолатлар билан ҳарактерланади.

а) ҳар бир жамият исталган пайтда ижтимоий ўзгаришларнинг доимийлиги билан ҳарактерланади.

б) ҳар бир жамият исталган пайтда доимий ижтимоий конфликт-ларга эҳтиёж сезиб туради.

в) жамият ҳар бир элементи ўзгариб боришга шароит тугдириб туради.

г) ҳар бир ҷамиятда ўз аъзоларининг бир қисми иккинчи қисми томонидан тазйиқ остида бўлиши табиий ҳолдир¹.

Дерендорф фикрича, низо - ижтимоий гуруҳлар ва институтлар уртасидаги нормаларнинг карама-каршилигидир. Ҷамиятда синфлар низоларни вужудга келтирадиган асосий ижтимоий гуруҳ. сифатида намоён бўлади. Низолар ҳар қандай ҷамиятга хосдир. Шу билан бирга, низоларнинг ҳар хил даражаларини фарқлашимиз лозим. У низоларнинг куйидаги асосий даражаларини курсатиб утади: гуруҳлар уртасидаги низолар, ижтимоий гуруҳлар ичидаги низолар, ҷамият микёсидаги низолар, давлатлар уртасидаги низолар. Дерендорф низолар қандай даражада бўлишига карамасдан, уларни бошқариб турадиган ҷамият яратиш тарафдори бўлиб қолади².

Конфликтлар масаласига марксистик назарияда ҳам асосий ўрин берилган. Хусусан, Маркс бир синфнинг иккинчи синфдан устунлиги ҳолатида доимо кучайиб борадиган тенгсизлик натижасида юз берадиган ижтимоий конфликтнинг вужудга келиш ва ривожланиш механизмини асослаб берди. Ишчи синфнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни тақсимлаш тартибини ўзгартириш учун кураши эксплуататорлар ва камбағаллар орасида вақтинчалик битим асосида доимий бўлмаган мувозанатга олиб келади.

Аммо К Маркс синфлар ўртасидаги конфликтларни мутлақлаштириб юборади. Ҷамият тараққиёти ҳар доим ҳам конфликтларга мос келмайди. Шунинг учун ҳам марксистик назария ижтимоий ҳаётни зиддиятларсиз тасаввур қила олмаганлиги учун бир мунча ўз аҳамиятини йўқотди.

Бундан буён зиддиятлар йиғилиб боради, бу эса илгаригидан ўзгача шароитлардаги янги тўқнашувларга олиб келади. Айни пайтда пастки синфлар вакиллари норозилигининг кўпайиши ва уларнинг ўз ҳолатининг, шунингдек ўз кучининг тенгсиз эканлигини тушуниб етиши юз беради. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда глобал синфий конфликтнинг ва ишлаб

¹ Таджиханов У, Саидов А. Хукукий маданият назарияси. Т., 1998. 89-б.

² Ядов В. А. Размышления о предмете социологии // Социологические исследования 1990. N2. С. 17

чиқарилган маҳсулот одилона тақсимланадиган ва ҳеч қандай эксплуатация бўлмаган синфсиз жамиятнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Социал конфликтларнинг келиб чиқиш сабаблари

Яна бир социологлардан бири Герберт Спенсер ҳам ўз қарашларида конфликт масаласига жамиятни ўз-ўзини ташкил этишидаги ролига муҳим эътибор билан қарайди. Унинг таъкидлашича, социал институтларнинг алоҳида типси сиёсий институтлардир. Спенсер уларнинг пайдо бўлишини гуруҳ ичидаги конфликтларнинг гуруҳлар уртасидаги конфликтга утиши билан боғлади. Унинг фикрича конфликтлар ва урушлар сиёсий урушлар ва синфий структура бўлишида хал килувчи рол уйнаган. Синфлар бир халкнинг бошқа халкни забт этиши оқибатида эмас, балки жамият ички ташкилотининг уруш вазифаларига бўйсундирилиши оқибатида вужудга келган. Уруш ибтидоий гуруҳларни дохийлар йулбошчилар ва уларнинг иродасини бажарувчи ижрочиларга жангчи ва дехконга ажратади, мулккий тенгсизликнинг усишига олиб келади. Сиёсий институтлар барпо этишни талаб қилди яъни марказий ҳокимият органлари армия, полиция, суд ва ҳоказолар тузишни талаб этди³.

Традициялар асосида ҳуқуқ вужудга келди, мулк институтининг мустаҳкамланиши солиқ тизимининг пайдо бўлишига олиб келди.

Уруш ва меҳнат давлатни вужудга келтирди, бошлангич даврларда зурлик ва ҳарбий конфликтлар хал килувчи рол уйнади, чунки мудофа эҳтиёжи ёки босиб олиш жамиятни қупрок жипслаштиради ва тартиб солади.

Шу боисдан ҳам Гарб мамлакатларида ўтказилаётган социологик тадқиқотлар зиддиятларни бартараф этиш мақсадларига ҳам қаратилгандир.

Бизнинг фикримизча, немис социологи ва иқтисодчиси Дерендорф ва Спенсернинг фикрларига қушилмасликнинг иложи йук. Чунки ҳозирги сиз билан биз яшаб турган даврни ҳам низоларсиз, зиддиятларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Инсон билан инсон уртасидаги, инсон билан ижтимоий гуруҳ уртасидаги, гуруҳлараро низолар, жамият микёсидаги низолар, қолаверса, давлатлар уртасидаги низо ва келишмовчиликлар шулар жумласидандир. Бу

³ Фролов С. Социология. Учебник. М.1999. С.27.

низо ва келишмовчиликларни фақат инсонларнинг акли билан тугри, оқилона ҳал қилиш мумкин ва шундагина ижобий натижаларга эришилади.

Ҳуқуқий конфликт ва уни бартараф этиш йўллари.

Конфликтлар тизимида юридик конфликтлар социал конфликтнинг асосий турини ташкил этади. Одатда олимлар юридик низоларнинг ижтимоий ёки ижтимоий бўлмаган манбаларини кўрсатадилар.

Ижтимоий бўлмаган манбаларга кўпинча К. Лоренц руҳида тур ичида ҳайвонларнинг душманлиги ва одамларнинг тажовузкорлиги ўртасидаги ўхшашликдан келиб чиқувчи ижтимоий танглик турли кўринишларининг кўплаб талқинлари киритилди.

Аммо замонавий фан маълумотлари одамлар альтруизм (фидойилик) ёки ўзгаларга бирдамликдан кўра, айнан, низога кўпроқ мойиллигини тасдиқлагани йўқ.

Юридик конфликтология жамиятда шахслараро муносабатларни тартибга солишда, ҳуқуқий зиддиятларни оқилона тарзда ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, шахслар манфаатлари тўнаш келганда аксарият ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар: суд ва прокуратурага мурожаат қиладилар. Албатта бундай конфликтлар асосан иқтисодий-мулкӣ, шахсий зиддиятлар натижасида келиб чиқади. Буни ҳал этиш манбаси ҳуқуқий норма-қонундир. Қонунда ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари чегараси аниқ белгилаб қўйилган. Масаланинг муаммоли жиҳати шундаки, қандай вазиятда бўлишидан қатъий назар ҳар бир инсон ўзини ҳақ деб билади ва низоларни ҳал этишда ўз манфаатлари устунлигини таъминлашга ҳаракат қилади. Кўпгина суд жараёнлари шунини кўрсатадики, мағлубиятга учраган томон ҳеч қачон суднинг бу қарорини адолатли қарор сифатида тан олмайди.

Ҳуқуқий конфликтларни четлаб ёки ундан қочиб бўлмайди. Конфликтни фақат оқилона тарзда бошқариш билан уни бартараф этиш мумкин. Низоларни бошқариш технологияларида томонларни яраштиришнинг энг кенг тарқалган воситаси – музокаралардир. Музокаралар давомида томонлар фикр алмашади ва бу муқаррар равишда низо кескинлигини камайтиради,

муҳолиф далил асосларини тушунишга ёрдам беради ва томонлар шартарини ҳақиқатга яқин баҳолашга ёрдам беради. Музокаралар ён босувларни тенглаштириш, муқобил вазиятларни ҳотиржам кўриб чиқиш, қарашларнинг очиқлигини намоиш этиш, рақибнинг қинғир ишлари самарадорлигини бўшаштириш имконини беради. Айнан шу шароитда низонинг ўзаро даволар моҳиятини очиб берувчи ўрта нуқтасини топиш осон бўлади.

Музокаралар жараёни махсус савдолашиш технологиясига, яъни дастлабки марраларни сақлаш ёки устунликка эга бўлиш, рақиблар билан тил топишиш ёки музокараларни боши берк кўчага киритиб юбориш, бир томонлама устунлик ёки томонлар талабларининг ўзаро тенг қондирилишига асосланган.

Америкалик мутахассислар М.Дейч ва С.Шикман фикрича музокаралар самарадорлигини ошириш ва демак томонлар талабларининг тўлароқ қондирилиши учун қуйидагиларга амал қилиш зарур:

- мавжуд муаммоларни бахсда иштирок этаётган одамларнинг субъектив манфаатдорлигидан изчил равишда ажратиб бориш;
- Диққатни принципларга эмас, реал қарама-қаршиликларга қаратиш;
- Қарорларнинг бир нечта вариантини ишлаб чиқиш;

Келишувларнинг натижаларини сақлаб қолишга фақат ярашувнинг зарур тимсоли, рамзини ҳамда томонлар билан мулоқотнинг керакли оҳангини топиш орқали эришиш ва низодан кейинги муносабатлар кескинлашувининг олдини олиш мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шахслар конфликтнинг ҳар бир босқичидаги долзарб вазифаларни ҳал қила олиш қобилияти уларга ҳуқуқий муносабатларда ўз мақсадлари ва манфаатларини самарали амалга ошириш учун қўшимча имконият беради.

Адабиётлар рўйхати

1. Таджиханов У, Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т., 1998.

2. Ядов В. А. Размышления о предмете социологии // Социологические исследования 1990. N2
3. Фролов С. Социология. Учебник. М.1999. С.27
4. Абдурахмонов Ф.Р, Саидходжаев Б.Х. Социология. Академия. 2000.

РОҒУН ГЭСИ ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Сўнгги йилларда Тожикистонда тўғони дунёда энг баланд – 350 метр бўладиган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича уринишлар яна фаоллашгани кузатилмоқда. Яхши маълумки, ўтган асрнинг 70-йиллари бошида “табиатга ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлган” коммунистлар онгида туғилган ва КПССнинг XXIV съездида маъқулланган ушбу лойиҳа ўз умрини яшаб бўлган совет тизимида хос улкан иншоотлар қуриш васвасасининг оқибатидир.

Мазкур лойиҳа Тожикистон аҳолиси учун ҳам, Ўзбекистон ва умуман, бутун Ўрта Осиё аҳолиси учун ҳам мислсиз хавф туғдириши мумкинлигини яхши англаган илғор тожик зиёлилари Тожикистон мустақилликка эришган илк кунларданок, ушбу иншоот қурилиши жадал давом этаётган ўша пайтларда қурилиш ишларини тўхтатишга ҳаракат қилгани ва бунга эришгани бежиз эмас.

Ўнлаб одамлар ҳаётига зомин бўлган Саяно-Шушенск ГЭСидаги ҳалокат ҳам ушбу лойиҳа муҳандислик нуқтаи назаридан пуч ва истикболсиз эканини исботлади. Чунки ушбу улкан иншоот ҳам Роғун ГЭСи лойиҳаси учун асос қилиб олинган қурилиш нормалари ва стандартларига мувофиқ барпо этилган эди.

Боз устига экспертиза натижалари шуни кўрсатадики, Роғун гидроузелининг илгари барпо этилган иншоотлари қурилиши чоғида ушбу эскирган қурилиш нормалари ҳам қўпол равишда бузилган. Ўша даврда

қурилган машина залининг қарама-қарши деворлари бир-бирига томон 90 сантиметрдан зиёд силжиганининг ўзиёқ бунга аниқ далил бўла олади.

Нуфузли мутахассисларнинг фикрича, қурилиш участкаси учун жой мутлақо нотўғри танланган. Негаки, ушбу майдон Рихтер шкаласи бўйича 9 ва ундан юқори балли ҳалокатли zilzilalar мунтазам содир бўлиб турадиган Илякс-Вахш ёриғи зонасида жойлашган. Ушбу ҳудудда юз берган 9 балли zilzilalar 1907 йил Қоратоғ, 1911 йил Сарез дараси, 1949 йил Хаитни ларзага келтирганини, 100 мингдан ортиқ кишининг ўлимига сабаб бўлганини тожикистонлик олимлар, ёши улуг кишилар унутгани йўқ ҳали. Тожикистоннинг етакчи сейсмологлари ушбу zilzilalar юзага келган жараёнлар таҳлили асосида Роғун ГЭСи қуриладиган ҳудудда кейинги ўн йилликда кучли ер силкинишлари юз бериши мумкинлигини башорат қилмоқдалар.

Роғун ГЭСи ишга тушириладиган бўлса, тўғон остида қоладиган юз метр қалинликдаги туз қатлами ушбу улкан техноген ҳалокат хавфини янада кучайтиради. Ушбу туз қатламининг сув таъсирида доимий ювилиб туриши, ҳаттоки сезилар-сезилмас сейсмик силжишлар ҳам 350 метрлик уйма тўғоннинг ўпирилишига олиб келиши муқаррар. Бундай ҳолат рўй берадиган бўлса, ер сатҳидан 100 метр баланд бўлган тўлқин пастга секундига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда ёпирилади. Оқибатда қуйида жойлашган Нурек ГЭСи тўғонини бутунлай ўпириб, бу тўлқин янада баландлашади ва Вахш каскадидаги бошқа барча ГЭС ва гидроузелларни вайрон қилади, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ўнлаб шаҳар ва аҳоли пунктлари сув остида қолади, бутун Ўрта Осиё минтақасида мисли кўрилмаган техноген ва экологик ҳалокат юзага келади⁴.

Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси юзага келтирадиган хавфларни қайд этарканмиз, унинг Тожикистон ва қўшни давлатлар экологияси, биохилма-хиллиги ҳамда миллионлаб одамлар истиқомат қилаётган жойларга етказадиган муқаррар фожиа таъсирини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Лойиҳа бўйича 14 куб километр сифимга эга Роғун ГЭСи сув

⁴ <http://www.QishloqHayoti.uz>

омборини тўлдириш учун саккиз йил керак бўлади. Бу даврда Амударё оқими кескин ўзгариб, унинг қуйи қисмидаги ҳудудларда узоқ йиллар қурғоқчилик юзага келади.

Роғун сув омбори тўла қувват билан ишга тушгач, ГЭСнинг энергетик иш режимига ўтказилиши ёз-куз мавсумида омборда сув тўпланиши сабабли қурғоқчилик ва сув танқислигини юзага келтириши, қиш мавсумида эса электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадида сув омборидан катта миқдорда сув чиқарилиши оқибатида тошқинлар бўлиши, ботқоқланиш ва сув босиши юз минглаб гектар серхосил ерларни яроқсиз ҳолга келтириши мумкин. Бундай вазият Ўзбекистон ва Туркменистоннинг миллионлаб аҳолисини муҳим ҳаётий манбалардан маҳрум этади.

Тез-тез содир бўлиб турадиган сув тақчиллиги ва қурғоқчилик йилларида Амударё суви Оролбўйи ҳудудларига деярли етиб бормайди, бу глобал миқёсдаги ушбу экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий фалокатнинг янада ёйилишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши оқибатида катта миқёсдаги қурғоқчилик, очарчилик, касалликлар тарқалиши юзага келади, Амударёнинг қуйи қисмида яшаётган миллионлаб одамлар бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлади.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан Роғун ГЭСининг қурилиши халқаро нормаларнинг қўпол бузилиши ҳисобланади. Негаки, барча параметрларга кўра, Амударё трансчегаравий сув оқими бўлиб, унинг сувидан фойдаланиш режимини ўзгартириш билан боғлиқ ҳар қандай қурилиш ушбу дарё ўз ҳудудидан оқиб ўтадиган қўшни давлатларнинг розилиги билангина амалга оширилиши керак. Бугун Ўзбекистон бутун минтақамиз учун фалокат билан якунланиши эҳтимоли бўлган мазкур лойиҳани амалга оширишга розилик бермаслик учун етарли даражада ҳуқуқий, экологик, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқ ва далилларга эга.

Тожикистонда ҳар йили юзага келаётган электр энергияси тақчиллиги туфайли Роғун ГЭСини қуриш зарур, деб ҳисоблайдиган лойиҳа тарафдорлари нимагадир барчага яхши маълум бўлган далиллар ҳақида чурк

эзмаётир. Тожикистон мавжуд энергетика салоҳиятининг катта қисмини “ТАЛКО” алюминий компанияси фаолиятини таъминлашга, шунингдек, экспортга йўналтирмаса, мамлакатни электр энергияси билан тўла таъминлаш имконига эга бўлар эди. Сир эмаски, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 50 фоиздан ошиғи ушбу компанияга етказиб берилади, ҳатто шифохоналар, мактаблар ва болалар боғчалари электр токидан узиб қўйилган пайтларда ҳам айнан шу компания электр энергиясини узлуксиз равишда олади.

Бу “ТАЛКО” алюминий компанияси даромадининг қарийб тўртдан уч қисми Тожикистоннинг коррупцияга ботган бюрократиясининг оффшор ҳисобрақамларига йўналтирилаётгани билан изоҳланади. 2010 йилнинг кузида ўтказилган халқаро аудит натижалари шуни кўрсатдики, сўнгги йилларда завод маҳсулотини сотиш жараёнида яширин схемалар қўлланиши оқибатида давлат бюджети қарийб 1 миллиард доллар миқдоридаги даромаддан маҳрум бўлган.

Бугунги кунда Тожикистон ҳукумати гўёки мустақил халқаро экспертиза ўтказилганини пеш қилган ҳолда, Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш мақсадига қаратилган ўз далил-исботларини кучайтиришга уринмоқда.

Халқаро экспертиза ўтказиш – бу албатта адолатли ва тўғри қарор. Бироқ экспертиза ўтказишнинг бундай технология ва тартибларини мутлақо қабул қилиб бўлмайди. Зеро, “Кимнинг аравасига ўтирсанг, ўшанинг қўшиғини айтасан”, деб бежиз айтилмаган.

Бор кучи билан Роғун ГЭСи қурилишини амалга оширишга уринган ва мустақил халқаро экспертиза ўтказилишига доимо қарши бўлиб келган Тожикистон ҳукумати тўсатдан ушбу лойиҳанинг асослилиги юзасидан экспертиза ўтказишнинг буюртмачисига айланиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Бунинг учун Жаҳон банки Тожикистон ҳукуматига, яъни буюртмачига грант тариқасида 15 миллион АҚШ долларини деярли беғараз ажратди. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: бундай ҳолда қандай холис, адолатли ва мустақил экспертиза ҳақида гап бўлиши мумкин?!

Ушбу процедураларнинг барчаси буюртма асосига курилгани аён бўлиб қолмоқда. Бошқача айтганда, бундай экспертизалардан мазкур лойиҳани амалга ошириш хавфли эканлиги ва юзага келиши мумкин бўлган фожиаи оқибатлар ҳақида ҳеч қандай принципиал хулосани кутмаса ҳам бўлади. Ўзбекистон томони, табиийки, халқаро экспертиза ўтказишга бундай ёндашув билан ҳеч қачон келиша олмайди.

Бундай ҳолатдан чиқишнинг йўли борми? Ҳа, бунинг йўли бор ва у жаҳон матбуотида кўпдан бери муҳокама қилинмоқда.

Бу ерда гап Амударёнинг юқори қисмида барча хавфларни тамомила истисно этувчи кичик гидроэлектрстанциялар мажмуасини куриш ҳақида бормоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, бундай ёндашув Тожикистонни электр энергияси билан таъминлаш муаммосини самарали ва энг муҳими, анча арзон ҳал қилиш имкониятини беради. Кўплаб давлатлар тарихи ва тажрибаси бундай хулосанинг тўғри эканини исботлайди.

Зеро, ҳаётнинг ўзи ва ҳозирги дунё воқеликлари барчамиздан иқтисодий, биринчи навбатда, энергетика стратегиясини амалга оширишда эски ва сийқаси чиққан бир томонлама эгоцентрик ёндашувлардан воз кечишни, трансчегаравий дарёлар сув ресурсларидан фойдаланиш масалалари бўйича БМТнинг тегишли конвенцияларига қатъий риоя қилишни, ўз ҳудудига минтақадаги табиий-экологик, коммуникация ва инфратузилма алоқалар ягона тизимининг ажралмас бир бўғини сифатида қарашни тақозо этмоқда.